

_____ -сон Шартнома
Рақамли маълумотлар хизмати тўғрисида

Тошкент ш.

2022 йил “___” _____

АТ “Алоқабанк” (кейинги ўринларда – “Банк”) номидан 202_ йил _ _____ -сонли ишончнома асосида иш юритувчи Бошқарув Раиси ўринбосари Ф.Махкамов бир тарафдан, “_____”(кейинги ўринларда – “Мижоз”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор _____ иккинчи тарафдан (кейинги ўринларда биргаликда – “Томонлар”), ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Асосий тушунчалар

Ушбу Шартноманинг мақсадлари учун тушунчалар қуйидаги маъноларга эга:

1.1 “**Сервис**” – Банк томонидан ҳисобрақамлар ва уларнинг айланмалари тўғрисида бериладиган рақамли маълумотлар мажмуи;

1.2 “**API**” – Банк Сервисига ахборот тизимлари, техник воситалар, платформалар ва ечимларни улаш учун мўлжалланган дастурий интерфейс;

1.3 “**Ҳужжатлаштириш**” – Сервисдан фойдаланиш ва кафолатли хизмат кўрсатиш, Мижозга Сервисга киришга рухсат бериш ва улар билан ишлаш имконини бериш бўйича барча ёзма техник йўриқномалар.

1.4 “**Фойдаланувчи**” – Сервисдан фойдаланадиган Мижознинг вакили;

1.5 “**Ҳисобот даври**” – 1 (бир) календар оyi календар ойининг биринчи кунидан календар ойининг охиригача;

1.6 “**Сўров**” – Мижоз томонидан ҳисобрақамлар ва уларнинг айланмалари билан танишиш ва қайта ишлаш учун Сервисга юборилган сўров.

2. Шартнома предмети

2.1 Ушбу Шартномани имзолаш орқали Томонлар умумий шарт ва низомларни келишиб олдилар, унга кўра Банк Мижозга унинг ҳисобрақамлари ҳолати ва уларнинг айланмалари тўғрисида маълумот узатади.

2.2 Мижоз томонидан Сервис орқали олинган маълумотларга келгусида ишлов бериш учун Банк жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

2.3 Мижознинг ахборот тизимларини Сервис билан техник интеграциялаш 1- иловадаги техник йўриқнома асосида амалга оширилади.

3. Ўзаро ҳисоб китоблар ва кўрсатилган хизматлар учун мукофот тўлашнинг тартиби ва хажми

3.1. Мазкур Шартнома асосида кўрсатилган хизматлар учун Томонлар томонидан бир бирига нисбатан комиссия ёки бошқа турдаги мукофотлар қўлланилмайди.

4. Хизматни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Банк томонидан Сервисга уланиш учун логин ва парол тақдим этилганидан бошлаб Мижозга хизматлар топширилган ҳисобланади.

4.4. Сервисдан фойдаланиш Мижознинг ҳисобрақамларига банкда хизмат кўрсатиш даврида амалга оширилади.

4.5. Сервисдан фойдаланиш буйича ҳисобрақамлар рўйхати Мижоз томонидан алоҳида ёзма равишда Банкка тақдим этилади.

5. Томонлар мажбуриятлари

5.1. Банкнинг мажбуриятлари:

5.1.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичида Мижозга API тавсифи, Мижознинг ахборот тизимларини Сервис билан техник интеграциялаш учун қўлланиладиган усул ва баённомаларини тақдим этиш.

5.1.2. Техник ҳужжатлар талабларига, шу жумладан API нуқтаи назаридан, Мижознинг ахборот тизимларини Сервис билан техник интеграциялаш учун қўлланиладиган усул ва протоколларга риоя қилиш.

5.1.3. Банк томонидан режалаштирилган Сервисда олиб бориладиган техник ишлар ёки бошқа сабабларга Сервисни тўхтатиб туриш тўғрисида Мижозни Алоқа каналлари орқали хабврдор қилиш.

5.1.4. Мижоз томонидан туну-кун фойдаланиши учун Сервиснинг ишлаши ва унга киришни таъминлаш (шартноманинг 5.1.4 бандида кўрсатилганлар бундан мустасно).

5.1.5. Заруратга кўра, Мижозга API функциясидаги ўзгаришлар ҳақида хабарнома юбориш.

5.1.6. Техник масалалар бўйича Мижоз билан билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

5.2. Мижознинг мажбуриятлари:

5.2.1. Сервис ва API дан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари доирасида фойдаланиш.

5.2.2. Сервисга уланиш учун тақдим этилган логин ва паролларнинг махфийлигини таъминлаш.

5.2.3. Сервисга уланиш учун фойдаланиладиган алоқа каналларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш.

5.2.4. Бевосита Сервисдан олинган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Махфийлик

6.1. Томонлар мазкур Шартномани бажариш жараёнида ўзларига тегишли бўлган, шунингдек, Мижоз томонидан хизмат кўрсатиладиган учинчи шахсларнинг махфий бўлган маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятини оладилар.

Мазкур Шартнома бўйича оммавий очик бўлмаган, уларнинг ошкор этилиши йўқотишларга олиб келиши ва/ёки ҳар қайси Томон мижозларининг ишчанлик обрўига путур етказиши мумкин булган маълумотлар махфий маълумотлар сифтида эътироф этилади, хусусан:

Бевосита Сервис орқали олинган ҳар қандай маълумотлар;

Томонлар ўртасида ўзаро ахборот ва технологик ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар;

Сервис, шу жумладан, API ва Томонлар мазкур Шартноманинг бажариш учун фойдаланадиган бошқа дастурий таъминот ва ускуналар ҳақида техник маълумотлар;

Тижорат ва банк сири ҳисобланадиган маълумотлар;

Томонларнинг тариф сиёсати ва мазкур Шартноманинг молиявий шартлари тўғрисидаги маълумотлар.

6.2. Мазкур Шартноманинг тузиш ва Шартнома предмети махфий маълумот ҳисобланмайди.

6.5. Шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган маълумотлар учинчи шахсларга, фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

7. Форс – Мажор

7.1 Тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабаблар, жумладан табиий офатлар, zilzilalar, тошқинлар, бўронлар, ёнғинлар ёки бахтсиз ҳодисалар, оммавий тартибсизлик, жанговар ҳаракатлар ва/ёки

уларнинг таҳдиди, қонуности ҳужжатлари ва қонуности ҳужжатларида чекловлар, тақиқлари ёки ҳукуматнинг бошқа ҳар қандай чоралари ёки мазкур Шартнома имзолангандан кейин пайдо бўлган Тарафларнинг назорати остида бўлмаган бошқа ҳолатлар натижасида ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун тарафлар бир-бирлари учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

7.2 Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги сабабли ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон уч кун ичида бошқа Томонни мавжуд алоқа воситалар (телефон, факс, электрон почта ва бошқалар) орқали бундай ҳолатларнинг юзага келиши ва тугатилиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

7.3 Мазкур Шартноманинг 9.2-бандига мувофиқ, форс-мажор ҳолатлари тўғрисида хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабардор қилмаслик тегишли Томонни мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун асос сифатида кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4 Форс-мажор ҳолатлари ва уларнинг оқибатлари 10 (ўн) календар кундан ортиқ давом этса, Томонлар Шартномани бажаришнинг иккала Томон учун мақбул бўлган муқобил усулларини аниқлаш ва тегишли келишувга эришиш учун имкон қадар қисқа вақт ичида музокаралар олиб борадилар.

8. Шартнома муддати ва бекор қилиш шартлари

8.1 Мазкур Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва Мижознинг ҳисобрақамларига банкда хизмат кўрсатиш давомида амалда ҳисобланади.

8.2 Шартнома томонларининг бирининг истагига кўра бекор этилиши мумкин, бунда шартномани бекор қилмоқчи бўлган Томон иккинчи томонни камида 30 (ўттиз) кун олдин ёзма равишда хабардор қилади.

9. Яқуний қоидалар

9.1 Томонларнинг ўзаро келишуви билан мазкур Шартномага ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.2 Мазкур Шартномага киритиладиган барча қўшимча ва ўзгартиришлар, унинг ажралмас қисми ҳисобланиб, ёзма шаклда тузилади ва Томонлар имзолайди.

9.3 Мазкур Шартноманинг бирон бир банди ижроси таъминланмаса ёки амал қилиши бекор бўлса, бу ўз навбатида Шартноманинг бошқа бандлари ижроси таъминламаслигига ёки амал қилишини бекор бўлишига таъсир кўрсатмаса, Томонлар ўзаро келишув асосида ушбу бандларни янада қулай шакллarga ўзгартириш бўйича қўшимча келушвлар имзолаши мумкин.

9.4 Томонлардан ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи шахсга ўтказишга ҳақли эмас, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик

хужжатларига биноан Томонлардан бирининг қайта ташкил этилиши натижасида ҳуқуқий ворисларлик ҳоллари бундан мустасно.

9.5 Томонларнинг юридик, банк реквизитлари, электрон почта манзиллари ва “Ишонч телефонлари” ўзгарган тақдирда, 3 (уч) календар кундан кечиктирмай бошқа томонни хабардор қилиш мажбур.

9.6 Мазкур Шартномада тартибга солинмаган барча масалалар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

9.7 Мазкур Шартнома Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, тенг юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди ҳар бири учун ҳақиқий ҳисобланади.

10. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

Буюртмачи

Ижрочи

АТ “Алоқабанк”

“ _____ ” _____

Юридик манзил:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.,
Миробод тумани, А.Темур кўчаси, 4а.
СТИР: 200829053
ҚҚС коди: 326010005502
ОКЭД: 64190
Банк реквизитлари:
Ҳисоб рақами: 16103000900000401001
АТ «Алоқабанк»
МФО: 00401

Юридик манзил:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.,

СТИР: _____
ҚҚС коди: _____
ОКЭД: _____
Банк реквизитлари:
Ҳисоб рақами: _____
«Алоқабанк» Амалиёт ҲКХКМ
МФО: 00401

Бошқарув Раиси ўринбосари

Директор

_____ Ф.Махкамов

2023 йил _____
М.Ж.

2023 йил _____
М.Ж.